

## СПОРТНИНГ ЖАМИЯТДА ТУТГАН УРНИ ВА ИЖТИМОЙИ-ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Муқимов О.Э.-доцент

*Жиззах давлат педагогика институти.*

Бугун дунёда спортнинг нафақат ғолиблик натижаларини ошириб бориш вазифаси, балким ижтимоий, иқтисдий, халқаро ҳамкорлик ва бирдамлик шунингдек тарбиявийлик вазифаси ҳам борлиги маълум. Мазкур вазифалар асосида спорт бугунги кунда умумбашарий кадрятларнинг энг асосийларидан бири эканлигини кайд этиш лозим. Спорт бир сўз билан айтганда жисмоний ҳаракатлар йиғиндисидир. Маълум жисмоний машқлар билан мураббий қўл остида шуғулланиш, мусобақаларда иштирок этиш ва спорт натижаларини қўлга киритиш спортнинг моҳиятини ташкил қилади. Спорт дейилганда дастлаб қўз олдимизда келишган қад-қоматли инсон тасвирланади. Шу билан бирга спорт инсонни нафақат жисмонан, балки ақлан, ахлоқан, маънан тарбиялаш имкониятга ҳам эга. Бу ўринда спортнинг жамиятда тутган ўрни, унинг ижтимоий-тарбиявий аҳамияти тўғрисида маълумотлар келтириб ўтиш лозим.

Инсониятнинг ривожланиши билан бир вақтда турли соҳалар, йўналишлар ривожланиб келди. Буни биз ишлаб чиқариш, маданият, илм-фан шунингдек, спортда ҳам кўришимиз мумкин. Тарихий манбаалар, археологик қазилмалар аجدодларимиз қадимдан ҳозирги спорт атамасини ўзида мужассамлаштирган жисмоний машқлар билан шуғулланганидан далолат беради. Ўша пайтда инсонлар турмуш-тарзи, яшаш шароитига ҳамоҳанг тарзда у ёки бу турдаги жисмоний машқлар билан шуғулланишга эҳтиёж бўлган. Кейинчалик, инсонлар онгининг такомиллашуви, жамиятнинг ўзгариши, даврлар алмашинуви жисмоний машқлар билан шуғулланишнинг ўзига хос шакллари ишлаб чивишни талаб қилган. Натижада, бугун биз фикр юритмоқчи булаётган спорт тушунчаси ўзининг асл мазмунини топди.

Замонавий спорт ўз олдиға фақатгина спорт натижаларини эгаллашни эмас, шуғулланувчини ҳар томонлама тарбиялашни ҳам мақсад қилиб қўяди. Бу мақсад ўз ичига қатор йўналишлар ва тарбия соҳаларини қамраб олади.

Спортчининг маънавий-ахлоқий тарбияси, рухий барқарорлигини ва иродавий сифатларини тарбиялаш спорт машғулоти жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар сирасига киритилади. Спортнинг ижтимоий-тарбиявий аҳамияти ҳам шундадир. Шу билан бирга спорт умуминсоий қадрият сифатида ҳам ўз мавқеига эга.

Спортнинг ижтимоий характери инсонни шахс сифатида тарбиялашдаги ўрни беқиёсдир. Жамият ривожланиши бевосита жисмоний маданият тушунчасининг ҳам ривожланишига олиб келди. Жисмоний маданиятнинг таркибий қисми бўлган спорт бугунга келиб ўзининг юксак ижтимоий аҳамиятини намоён қилмоқда. Сўнгги йилларда дунё миқёсида спортнинг аҳамиятини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар, унинг инсонлар турмуш-тарзидаги роли юксак даражада эканлигини исботлади. Мазкур масала юзасидан жисмоний маданият ва спорт мутахассислари, психологлар, сотсиологлар тадқиқот ишларини амалга оширдилар ва турли даражадаги илмий-услубий манбаалар яратилди. (Н.И.Пономарёв, Л.П.Матвеев, Р.Абдумаликов, Ф.А.Керимов, Р.С.Саламов, Х.Т.Рафиев, Ж.Э.Эшназаров, П. Хўжаев, Т. Холдаров ва бошқалар).

Спортнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, бунда шуғулланувчининг вақти мазмунли ўтади. Турли мақсадда (саломатликни тиклаш ва мустаҳкамлаш, спорт натижалари ва б.) спорт билан шуғулланилганда машғулот жараёнида ва машғулотлардан сўнг ҳам шуғулланувчиларнинг вақтлари бекорга сарфланмасликлари аниқланган. Турли даражадаги шуғулланувчилар (хаваскорлар, юқори малакали спортчилар) билан ўтказган суҳбатлар билдирилган фикрларнинг исботини топади. Барча ҳолатда ҳам шуғулланувчилар машғулот ва машғулотлардан кейин вақтларини тежашлари, аниқ режалаштирилган кун тартиби асосида фаолият олиб боришлари айтиб ўтилган.

Ҳозирда, замонавий спорт машғулоти модели ҳамда спорт назарияси ва амалиёти тажрибасида шуғулланувчини маънавий-ахлоқий тарбиялаш масаласи алоҳида кўрсатиб ўтилган. Спорт билан шуғулланиш жараёнида шахсий ахлоқий хусусиятларни тарбиялаш, ахлоқ нормалари

доирасида камол топиш масалалари машғулотлар жараёнининг таркибий қисми сифатида ўз аксини топади. Мураббийлар, спорт мутахассислари машғулотлар жараёнида шуғулланувчиларнинг ахлоқий сифатларини тарбиялаш ишларини ҳам олиб борадилар.

Ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, шуғулланиш тартиб-қоидаларини ҳурмат қилиш, мураббийнинг топшириқларини бажариш кабилар машғулот жараёнида ўзига хос аҳамиятга эга. Жамоани ҳурмат қилиш, мураббий ва жамоа раҳбарй томонидан берилган вазифаларни тўла амалга ошириш масалалари машғулотлар жараёнида спортчи томонидан ўзлаштирилади, бу борадаги кўникма ва малакалар такомиллаштирилиб борилади. Бу деган сўз шуғулланувчининг маънавий-ахлоқий сифатлари тобора тарбияланиб боради.

Ҳозирга келиб спорт дунё мамлакатлари умумий маданиятининг бир қисмига айланди. Спортсиз мамлакатлар ривожини тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг билан бирга спорт давлатларнинг ҳалқаро майдондаги обрусини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. Зеро, ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби дунёга тезда танита олмайди. Халқаро спорт мусобақаларида спортчиларнинг ҳар бир чиқишлари улар яшайдиган давлат номи оилан тилга олинади. Эгалланган ҳар бир ғалаба ёки ютуқ бевосита спортчининг ватани номи билан биргаликда эълон қилинади. Маълумки, спортчиларни тақдирлаш жараёнида уларнинг ватанлари байроғи кўтарилиб, давлат мадҳияси янграйди. Бу анъана тусига кирганлиги барчамизга маълум.

Бу борада халқаро спорт майдонларида ҳолибликни қўлга киригган баъзи спортчилар (Р.Собиров, А.Тангриев, Э.Расулов, Х.Тожибоев в.б.) суҳбат ўтказилди. Суҳбатлар жараёнида шу нарса аниқландики, спортчи айнан шу ғолиблик нашидасини татиш учун ўзбек муддатли машаққатли меҳнат қилади. Унинг шарафига Ватан мадҳияси янграганда барча машаққатлар ўнитилади ва ўзгача бир хис туйғу кечади. Бу туйғу “Спортдаги ғалаба туйғуси” дейилади. Зеро бундай туйғу фақат ғолибларга ва уннинг Ватандошларига насиб қилади.

Айнан шу жараённи бошидан кечирган, бундай шароитда иштирок этган ҳар қандай иштирокчи (спортчи, мураббий, ҳакам, томошабин ва хоказо) ўз қалбида ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, ғурур-ифтихор туйғуларини яна бир бор ҳис қилиши мукаррар. Ўз ватани, туғилиб ўсган она юрти билан фахрланиш ҳисси иштирокчиларни шу онда кўпроқ тўлқинлантириб юборади. Билдирилган фикр ва мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда аниқ бир хулосага келиш мумкин. Демак, спорт ёшлар тарбиясида ва мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида, унинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрнини, нуфўзини оширишда катта аҳамиятга эга. Агар мамлакатда спорт билан шуғулланувчилар сони тобора ортиб борса аҳолининг оммавий саломатлик даражаси ҳам юксалиб бориши кузатилади. Ўз-ўзидан спорт соҳасида халқаро майдонларда эришилаётган натижалар салмоғи юқорилаб боради. Бу деган сўз, мамлакатда яшайдиган инсонларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиши таъминланади.